

## Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 180-ҳадис

180 - عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ، أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دَخَلَ مَكَّةَ عَامَ الْفَتْحِ، وَعَلَى رَأْسِهِ مِعْقَرٌ، فَلَمَّا نَزَعَهُ جَاءَهُ رَجُلٌ، فَقَالَ: إِنْ حَطَلَ مُتَعَلِّقٌ بِأَسْتَارِ الْكَعْبَةِ، فَقَالَ: «إِنْ تُلْوِهِ؟»، فَقَالَ مَالِكٌ: نَعَمْ.

[خ 1846، م 1357، ت 1693، س 2867، د 2685، جه 2805]

Анас ибн Моликдан ривот қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Фатҳ иили Маккага бошларида дубулға билан кирдилар. Уни ечгандаридан, бир киши келиб, «Ибн Хатал каъбапұшга осилиб олибди», деди. Шунда у зот: «**Уни қатл қилинглар**», дедилар», деб айтиб берганми?» дедим. Молик: «Ха», деди».

*Ином Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можса ривоят қилишган.*

**Изоҳ:** Бу ривоятдан Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Макка фатҳида Ҳарам ҳудудига эхромсиз, жанг кийимида киргандар ие. Саҳобалар ҳам эхром боғлашмаган эди. Жанг бўлиши эҳтимоли юқори бўлгани учун шундай қилинганди.

Шофеъий мазҳабида ушбу ҳадисни далил қилиб, Маккаи Мукаррамага эхромсиз кириш мумкин, дейилган. Ҳанафий мазҳаби ва жумхур уламоларнинг наздида эса Маккага эхромсиз кириш мумкин эмас. Улар ҳам ўз сўзларига бир қанча далилларни келтирадилар. Жумладан, Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу: «Маккага бирор тожир, бирор ҳожатталаб эхромсиз кира олмайди», деган. Макка фатҳида Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эхромсиз киришлари вазиятга хос ҳолат бўлган.

Ибн Хатал аввал мусулмон бўлган. Бир куни Набий алайҳиссалом уни бир

ансорий билан бирга закот тўплашга юборганлар. Бироқ Ибн Хатал йўлда ансорий шеригини ўлдириб, ўзи мушрик бўлиб кетган. Шунинг учун Набий алайҳиссалом Макка фатҳида уни қатл қилишни буюрганлар. У эса ҳийла йўлини тутиб, жонини сақлаш учун Каъбапўшга осилиб олади. Аммо вазият тақозосига кўра истисно равишда ҳукм ижро қилинади. Буни айрим уламолар маълум жиноятга қўл урган кишилар ҳарам ҳудудида бўлса ҳам жазоланишига далил қилса, бошқалар бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга вакътинчалик берилган, ўша соатга хос ҳукм дейдилар.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

